

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

СОБИТОВ ЎЛМАСБОЙ ТОЖАХМЕДОВИЧ

**МИРЗАЧЎЛНИ ЭСКИДАН ЎЗЛАШТИРИЛГАН ҲУДУДЛАРИ
ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА УНУМДОРЛИГИ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по биологической наукам**

**Content of dissertion abstrack of doctor of philosophy (PhD) on
biological sciennces**

Собитов Ўлмасбой Тожахмедович

Мирзачўлни эскидан ўзлаштирилган худудлари тупроқларининг
эволюцияси ва унумдорлиги..... 3

Собитов Улмасбой Тожахмедович

Эволюция и плодородия почв зоны старого освоения Голодной
степи..... 21

Sobitov Ulmasboy Tojakhmedovic

Evolution and fertility of soils of the old developed zone of the Hungry
steppe..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИLMИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ
ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

СОБИТОВ ЁЛМАСБОЙ ТОЖАХМЕДОВИЧ

**МИРЗАЧЎЛНИ ЭСКИДАН ЁЗЛАШТИРИЛГАН ҲУДУДЛАРИ
ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА УНУМДОРЛИГИ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/B51 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида (ТАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.soil.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қўзиёв Рамазон Қўзиёвич,
Биология фанларди доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Турсунов Хамза Хамдамович,
Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

Намазов Хушвақт Қараханович,
Биология фанлари номзоди, профессор.

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2018 йил «_____» _____соат_____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси 3 уй.Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soill.uz)

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси 3 уй.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ кунини тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____даги №_____ -рақамли реестр баённомаси)

Н.М.Ибрагимов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси вазифасини бажарувчи,
к.х.ф.д., профессор

Н.Ю.Абурахмонов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, б.ф.н., катта илмий
ходим

М.М.Тошқўзиёв

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон озиқ-овқат ташкилоти (FAO) ерларнинг қишлоқ хўжалигига яроқлилигини қишлоқ хўжалик экинларидан потенциал ҳосилдорликни олишни таъминлаши бўйича белгилайди. Бугунги кунда адаптив деҳқончиликга асосланиб қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларнинг аксарият қисми 23% юқори, 53% яхши сифатга эга. Деҳқончиликда фойдаланилаётган юқори сифатли ерларнинг энг катта минтақавий улуши Марказий Америка ва Кариб денгизи хавзасига (42%) тўғри келади, кейинги ўринларни Ғарбий ва Марказий Европа (38%) ва Шимолий Америка (37%) эгаллайди. Ривожланган мамлакатлардаги юқори сифатли ерларнинг ўртача улуши 32% ни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатлар тупроқларининг унумдорлиги аксарият ҳолларда паст бўлиб, деҳқончиликда фойдаланиладиган барча майдонларнинг фақат 28% юқори сифатли ерлар сифатида баҳоланади¹.

Дунёда тупроқлар эволюциясининг глобал тенденциялари ва минтақавий моделлари таҳлил қилинган. Халқаро амалий тизимлар таҳлили институти (IIASA) ва FAO томонидан Агроекологик районлаштириш концепцияси (AEZ) ишлаб чиқилган². Ушбу мураккаб услуб ва моделлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига иқлим, тупроқ ва ер шароитларини тавсифлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Тупроқ тизими учун GIS технологиялар асосида яратилган рақамли хариталардан экинлар ҳосилдорлигини белгилашда глобал миқёсда фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида, жумладан ер ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш соҳаларида илмий, илмий-амалий ишлар тизимли йўлга қўйилган ва маълум бир натижалар олинмоқда. Бу борада суғориладиган тупроқлардан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар кўпроқ тупроқ ресурсларидан амалиётда фойдаланиш йўллари белгилашга қаратилган бўлиб, назарий жиҳатдан тупроқлар эволюциясининг ўзига хос хусусиятлари тўлалигича қамраб олинмаган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалалланган Ҳаракатлар стратегиясида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлаштириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шунинг хисобга олган ҳолда, мазкур масаланинг алоҳида илмий йуналиш қилиб олиш, узоқ даврлардан суғориш билан боғлиқ тупроқ эволюцияси қонуниятлари, характери, улар билан боғлиқ тупроқ жараёнлари ва унумдорлик даражасини аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини 2017 йил 31 майдаги “Ерларни муҳофаза қилиш улардан оқилона фойдаланиш борасидаги назоратни кучайтириш геодезия ва картография фаолиятини

¹ www.fao.org.

² <https://books.google.co.uz>

такомиллаштириш давлат кадастрлари юритишини тартибга солиш чора тадбирлари”³ тўғрисидаги ПФ-5065-сон фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”⁴ тўғрисидаги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофазаси” мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республика ва хорижий олимлардан А.Л.Александровский, Е.И. Александровская, В.А. Демкин, И.В.Ковда, Ф.Р.Зайдельман, J.Van de Steeg, J.R.Ahrens, L.E.Jackson, D.L.Karlen, C.J.Bronick, J.Roger-Estrade, Р.Қ.Қўзиев, Х.Т.Рисқиева, М.М.Тошқўзиев, Х.Ҳ.Турсунов, Р.Қурвантоев, А.У.Ахмедов, Н.Ю.Абдурахмонов, А.Ж.Исманов, Ғ.Т.Парпиев ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Суғориладиган тупроқлар эволюцияси, тупроқ ҳосил бўлиш шароитлари, уларнинг сув-физикавий, кимёвий, агрокимёвий хоссалари, гумус ва озика элементлари билан таъминланганлиги, биологик фаоллиги, мелиоратив ва экологик ҳолатлари, ифлосланганлик даражаси ва унумдолик даражасини ўрганиш амалий аҳамият касб этади. Лекин, суғориладиган тупроқлардан фойдаланиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар ва амалий механизмлар кўпроқ умумий тарзда бўлиб, тупроқлар эволюциясининг ўзига хос хусусиятлари борасидаги илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида илмий тадқиқот режасининг А-7-249 “Тупроқ унумдорлиги даражасини баҳолаш ва ерларнинг меъёрий қийматини ҳисоблаш бўйича илмий асосланган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш” (2006-2008 йй.); БВ-Ф4-002+006 “Ўзбекистон тупроқларининг янги классификацияси (таснифи)ни яратиш” (2007-2011 йй.); Ф5-008+(Ф5-007+Ф5-006) “Суғориладиган тупроқлар эволюцияси ва унумдорлигини бошқаришнинг назарий асосларини тадқиқ этиш” (2012-2016 йй.); мавзуларидаги амалий ҳамда фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотларнинг мақсади Антропоген омиллар таъсирида Мирзачўлнинг суғориладиган тупроқ қопламларидаги эволюцион ўзгариш жараёнлари, суғорилаётган тупроқларнинг унумдорлик даражасини аниқлаш ва тупроқ сифатини баҳолаш хариталарини тузиш, шунингдек тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

³ www.lex.uz

⁴ www.lex.uz

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган тупроқларда комплекс тадқиқотлар олиб бориш ва уларни ҳозирги ҳолатини аниқлаш;

тупроқларнинг антропоген омиллар таъсирида эволюцион ўзгариши динамикасини қайд этиш (ўзлаштириш бошлангандан бўён олинган маълумотларни тарихий таққослаш услуби билан таҳлил қилиш);

ўрганилган ҳудудлар суғориладиган тупроқларининг кимёвий, физикавий, агрокимёвий хоссалари, тупроқлар эволюцияси қонуниятлари ва хусусиятларини аниқлаш;

суғориладиган тупроқларнинг унумдорлик даражасини баҳолаш ва ўрганилган ҳудудлар учун 1:10000 ҳамда мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар учун 1:5000 масштабли тупроқ сифатини баҳолаш хариталарини тузиш;

тупроқларнинг унумдорлик даражаси ва махсулдорлигини сақлаш ва ошириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, Мирзачўлнинг эскидан ўзлаштирилган ҳудудлари-Боёвут, Гулистон, Сирдарё ва Сайхунобод туманларида тарқалган бўз-ўтлоқи ҳамда ўтлоқи тупроқлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларнинг эволюцияси, трансформацияси унумдорлиги, механик таркиби, гумус ва озика элементлари ҳамда шўрланиш даражалари бўйича ўзгариш динамикаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари Дала-тупроқ тадқиқотлари ва камерал-аналитик ишлар ТАИТИ ва ЎзПТИТИ институтларида ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услубларда, Е.В.Аринушинанинг «Руководство по химическому анализу почв» шунингдек, охириги нашрда чоп этилган «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома» асосида амалга оширилди. Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов тенгламаси ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Мирзачўлнинг эскидан ўзлаштирилган ҳудудларида тарқалган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларидаги озика элементлари, шўрланиш-шўрсизланиш жараёнлари, тупроқ қопламларида содир бўлган эволюцион ўзгаришлар динамикаси аниқланган;

куруқ минтақада шаклланган оч тусли бўз тупроқларни ўзлаштириш натижасида суғориладиган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларни эволюцион ривожланишидаги босқиклари ва морфогенетик ўзгаришлари ҳудуд тупроқлари учун илк бор асослаб берилган;

олинган маълумотлар олдинги йиллар тадқиқот натижалари билан таққосланган, уларнинг хосса-хусусиятларидаги ўзгариш ва унумдорлик даражалари аниқланган;

ўрганилган ҳудудларда тарқалган тупроқлар 100 балли ёпиқ шкалада баҳоланган ва биринчи марта массивларнинг 1:10000 миқёсли электрон рақамли тупроқ сифатини баҳолаш хариталари тузилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўрганилган ҳудуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар учун тузилган 1:5000

миқёсли электрон рақамли тупроқ сифатини баҳолаш хариталари суғориладиган ер майдонларини ўғитлаш тизимини ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳамда тупроқ унумдорлигига салбий таъсир этувчи жараёнларни бартараф этишга доир илмий асосланган агромилиоратив чора тадбирлар ишлаб чиқилган.

Сирдарё вилояти тупроқлари ҳолати ҳамда унумдорлиги паст ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва етиштириш агротехнологиялари бўйича тавсиялар тавсия ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг дала, лаборатория ва камерал усулларидаан фойдаланган ҳолда, статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий ва амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги натижаларининг ишончилигини исботлайди.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларини илмий аҳамияти тупроқлар эволюцияси ва унумдорлигини келгусида қиёсий таққослаш, бундан ташқари суғориладиган тупроқлар эволюциясини ўрганиш унумдорликдан тўғри фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини яратади.

Тадқиқотлар натижаларини амалий аҳамияти ўрганилган ҳудудлар учун тузилган 1:10000 миқёсли электрон рақамли тупроқ сифатини баҳолаш хариталари қишлоқ хўжалик экинларини тупроқларнинг сифатига қараб жойлаштириш, ерларни меъёрий қийматини ҳисоблаш, экинлар ҳосилдорлигини белгилаш, ерларни ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мирзачўлни эскидан ўзлаштирилган ҳудудлари тупроқларининг эволюцияси ва унумдорлигини баҳолаш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида:

«Сирдарё вилояти тупроқлари ҳолати ҳамда унумдорлиги паст ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва етиштириш агротехнологиялари бўйича тавсиялар» номли тавсия ишлаб чиқилган ва жорий этилган (Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 03 майдаги 03-05-3475-сон маълумотномаси). Ушбу тавсия Сирдарё вилояти тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, тупроқ унумдорлигини чегараловчи энг асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда пахта ва ғалладан бўшаган, унумдорлиги паст бўлган ерларда сабзавот, полиз, дуккакли, мойли, озиқабоп экинларни жойлаштириш, боғ ва токзорлар барпо этиш ва уларни парваришлаш учун ўтказиладиган агротехнологик тадбирлар ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилган;

Мирзачўлни эскидан ўзлаштирилган ҳудудлари-Боёвут туманидаги “1-Боёвут”, Гулистон туманидаги А.Темур номли, Сайхунобод туманидаги А.Темур номли ҳамда Сирдарё туманидаги “Малик” массивларининг суғориладиган тупроқлари баҳоланган. Натижада юқорида қайд этилган массивлар учун 1:10000 ва фермер хўжаликлари учун 1:5000 масштабли тупроқ сифатини баҳолаш хариталари тузилган ҳамда 14020,6 гектар ер майдонларининг тупроқ сифатини баҳолаш хариталари ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри

давлат қўмитасининг 2018 йил 03 майдаги 03-05-3475-сон маълумотномаси). Ушбу тупроқ сифатини баҳолаш хариталари қишлоқ хўжалик экинларини тупроқларнинг сифатига қараб жойлаштириш, ерларни меъёрий қийматини ҳисоблаш, экинлар ҳосилдорлигини белгилаш, ерларни ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратишда, ягона ер солиғини белгилашда илмий асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 4 та халқаро ва 9 та республика илмий ва амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий мақолалар чоп этилган, шулардан Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мирзачўл ерларининг ўзлаштириш ва суғориш тарихи**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган мавзуга оид маҳаллий ва хориж илмий манбалар, олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари, интернет маълумотлари ўрганилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, суғориш таъсирида тупроқларнинг хосса ва хусусиятларини ўзгариши юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг адабиётлар шарҳи келтирилган. Қайд қилинган адабиётлар маълумотларининг якуний хулосаси антропоген омиллар таъсирида суғориладиган тупроқлар ҳосил бўлиш шароитлари ва уларнинг шаклланиш қонуниятлари ва тупроқ қопламларидаги эволюцион ўзгариш жараёнларини доимий ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Мирзачўлнинг табиий-иқлим шароитлари, тадқиқотлар объекти, предмети ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида, Мирзачўл воҳасининг географик жойлашиш ўрни, геологик-литологик, геоморфологик, гидрогеологик, иқлими ва ўсимлик қопламлари ҳамда тупроқларни шаклланишида антропоген омилларнинг таъсири, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Мирзачўлнинг рельефи, асосан тўлқинсимон текислик бўлиб, жанубдан шимоли-ғарбга пасайиб боради. Мирзачўлнинг бир қисми Сирдарё вилояти ҳудудига киради. Асосан бўз тупроқлар тарқалган бўлиб, келиб чиқиш генезисига кўра, лёсс, лёссимон қумоқли, аллювиал-проллювиал ва аллювиал-кўл ётқизикларида шаклланган. Мирзачўл воҳасининг иқлими ўзига хос бўлиб, йиллик ёғинларнинг миқдори (2006-2008йй) 300 мм, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 15⁰С га тенг.

Тадқиқотлар Мирзачўлнинг эскидан ўзлаштирилган зонасида энг кўп тарқалган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлар шароитида ўтказилиб, дала-тупроқ тадқиқотлари ва камерал-аналитик ишлар Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услубларда, шунингдек, «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома» (2005) асосида амалга оширилди.

Тупроқнинг механик таркиби—Н.А.Качинскийнинг пипетка услубида, тупроқдаги тузлар миқдори ва ионлар таркиби сувли сўрим услуби, гумус миқдори—И.В.Тюрин услубида, умумий азот—Кельдал микро услубида, ҳаракатчан шаклдаги фосфор ва калий—1 % ли углеаммоний сўрими ёрдамида лаборатория шароитида бажарилди. Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) бўйича математик-статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**ўрганилган ҳудудлар тупроқ қопламларининг умумий тавсифи, суғориладиган тупроқлардаги эволюцион ўзгаришлар, уларнинг асосий хоссалари ва ҳозирги ҳолати**» деб номланган учинчи бобида Мирзачўл воҳасининг турли геоморфологик районларида жойлашган, табиий ва қишлоқ-хўжалик шароитлари, деҳқончилик маданияти, ерлардан фойдаланиш даражаси, тупроқ хоссалари ва ҳозирги унумдорлик ҳолати, экинлар ҳосилдорлиги бўйича вилоятда типик хўжаликлар ҳисобланган, Боёвут туманидаги «1-Боёвут», Гулистон туманидаги А.Темур номли, Сирдарё туманидаги «Малик» ва Сайхунобод туманидаги А.Темур номли массивларидан танланган калит майдонларида ўрганилган, тупроқларнинг асосий хоссалари ва мелиоратив ҳолатига доир лаборатория-аналитик ва қиёсий таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Биринчи калит майдони эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлардан иборат бўлиб, Боёвут туманининг «1-Боёвут» массиви, лёссимон қумоқларида шаклланган Сирдарёнинг I-II-қайир усти террасасида жойлашган. Эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларининг механик таркиби асосан ўрта қумоқлардан иборат бўлиб, баъзан пастки қатламларида енгил қумоқлар билан алмашади. Физик лой заррачаларининг (<0,01мм дан кичик) миқдори 20,0-39,3% кўрсаткичларда кузатилди. Бу тупроқлар учун йирик чанг (0,05-0,01мм) заррачаларининг устунлиги характерли хусусият бўлиб, тупроқ қатламларида 36,4-51,3% ни, ил заррачалари эса 8,2-16,6 % ни ташкил этади. 1957-1958 йилларда олиб борилган тадқиқотларда таърифланган мазкур бўз-ўтлоқи тупроқлари оч тусли бўз тупроқлар типига мансуб бўлган, 1984 йил маълумотлари билан деярли бир хил кўрсаткичларда ўз аксини топган. 2007 йил маълумотларида эса ил заррачаларининг миқдори тупроқ профилининг қуйи қатламларда сезиларли даражада ошган.

Н.И.Зими́на (1957-1958) маълумотларига кўра, тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори 0,9 %, ялпи азот 0,060 %, умумий фосфор 0,116-0,131 % ни, тузларнинг ялпи миқдори қуруқ қолдиқ бўйича ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида 0,151-0,112 % ни ташкил этиб, қуйи қатламларда 2,401-3,262 % гача қайд қилинган. «Ер кадастри» шўъба корхонаси (1984) маълумотларига кўра, гумус 0,58-0,83 %, ялпи азот 0,035-0,055%, умумий фосфор 0,110-0,135 %, қуруқ қолдиқ миқдори 0,400-0,438 % ни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб гумус 0,90-1,02 %, умумий азот 0,052-0,071 %, фосфор 0,125-0,137%, калий 0,845-0,885 % ни ташкил этади, остки қатламларда кескин камайиши кузатилади. Қуруқ қолдиқ миқдори ҳайдалма қатламда 0,174-0,124 % ни, ҳайдалма ости қатламларида 0,190-0,186 % ни, ундан пастки қатламларда эса 0,872-0,966 % ни ташкил этади. Ҳаракатчан фосфор ва калий миқдори мос равишда 7,33-14,93 мг/кг, 131-155 мг/кг кўрсаткичларида қайд этилди. Гумус миқдори кўра, мазкур тупроқлар кам (0,5-1 %) ўртача (1-1,5 %), ҳаракатчан фосфор билан жуда кам, калий миқдори кўра кам таъминланган тупроқлар гуруҳларига мансуб.

«Ер кадастри» Шўъба корхонасининг (1984) маълумотларига кўра, бўз-ўтлоқи тупроқларининг устки 0-30 см ли қатламидаги гумус захираси гектарига 22,0-36,0, азот захираси эса 1,85-2,27 тоннани, 0-50 см ли қатламда эса, мос равишда 31,3-57,6, ва 2,81-3,69 тоннани ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 0-30 см ли қатламда 38,4-42,14 ва 2,57-2,99 тонна, 0-50 см ли қатламда эса, 60,7-65,0 ва 4,32-5,32 тонна миқдорларида қайд қилинди. Синдириш сифими 100 гр. тупроқда 9,69-13,97 мг/экв, синдирилган катионлар таркибидаги Са-40,06-49,64%, Mg-45,81-50,21%, К-4,77-5,55 % ва Na-5,46-9,32% кўрсаткичларида кузатилади, шўртобланмаган (<10 %) тупроқлар гуруҳига киради. CO₂ карбонатлар миқдори деярли бир маромда тарқалган бўлиб (7-9%), оч тусли бўз тупроқларга нисбатан бўз-ўтлоқи тупроқларда бир мунча юқорироқ (10-12%) кўрсаткичларда кузатилади.


Иккинчи калит майдони эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлардан иборат. Гулистон туманининг А.Темур номли массиви, қатламли аллювиал-пролювиал лёссимон ётқизикларидан ташкил топган, Сирдарёнинг III-қайир усти террасасида жойлашган. Эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг механик таркиби асосан, алмашилиб келувчи енгил ва ўрта қумоқлардан иборат бўлиб, физик лой (<0,01мм) заррачаларининг миқдори 26,5-44,4 % ни ташкил этади, йирик чанг (0,05-0,01мм) ва майда қум (0,1-0,05) заррачалари яққол устунлик қилиб, тупроқ қатламларида 21,1-39,4 % ва 26,0-38,5 % ни, ил заррачалари устки қатламларда 8,0-10,0, қуйи қатламларда 15,3-16,2 % ни ташкил этади. 1957-1958 ва 1984 йилларда олиб борилган тадқиқотларда таърифланаётган бўз-ўтлоқи тупроқларининг механик таркиби ва механик элементлар кўрсаткичларида деярли ўзгариш кузатилмасда, 2007 йилда ил заррачаларининг (<0,001мм) биров кўпайганлиги қайд этилди. Н.И.Зими́на маълумотларига кўра (1957-1958 йй), эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларининг ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори 1,5%, умумий азот 0,1%, фосфор 0,168 % ни, қуруқ қолдиқ миқдори ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида 0,144-0,262 % ни, энг қуйи қатламларда эса 0,650-0,690% ни

ташкил этган бўлса, «Ер кадастри» ШК нинг маълумотларида (1984й) гумус 0,54-0,60%, ялпи азот 0,035-0,048 %, фосфор 0,156-0,162 % ни, куруқ қолдик миқдори эса устки қатламларда 0,690-0,770 % ни ташкил этгани ҳолда, тупроқнинг қуйи горизонтларида 0,934-0,976% кўрсаткичларида кузатилган. 2007 йилги тадқиқотларимизда гумус 0,80-1,03 %, умумий азот миқдори 0,058-0,065 %, фосфор 0,145-0,172 %, калий 0,78-0,85 % оралиғида тебраниб, куруқ қолдик миқдори ҳайдалма қатламда 0,461% ни, ўрта ва қуйи горизонтларда 0,440-1,019 % кўрсаткичларида кузатилди. Ҳаракатчан фосфор 8,67-18,93, калий миқдори эса 130-145 мг/кг ни ташкил этгани ҳолда, қуйи қатламлар томон камайиши кузатилди. Мазкур тупроқлар, ҳаракатчан фосфор билан жуда кам, ҳаракатчан калий миқдорига кўра кам таъминланган тупроқлар гуруҳларини ташкил этади. «Ер кадастри» ШК маълумотларига кўра (1984 йил), тупроқларнинг устки 0-30 см ли қатламидаги гумус захираси гектарига 22,59-25,20; умумий азот 1,43-1,96 тоннани, 0-50 см ли қатламда эса, мос равишда 36,24-42,60 ва 2,38-3,26 тоннани ташкил этган бўлса, 2007 йилда тупроқларнинг 0-30 см ли қатламидаги гумус захираси 32,9-42,0 тоннани, азот захираси 2,38-2,65 тоннани, 0-50 см ли қатламда эса, 56,0-64,2 ва 3,75-4,19 тоннани ташкил этади. Сингдириш сиғими 100 гр. тупроқда 12,24-17,49 мг-экв ни, сингдирилган катионлар таркибидаги Са-40,91-48,03%, Mg-44,68-52,28%, К-1,92-5,1 % ва Na-2,77-8,66% кўрсаткичларида кузатилади, шўртобланмаган (Na <10 %) тупроқлар гуруҳига киради. СО₂ карбонатларининг тарқалишида муайян бир қонуният кузатилмайди, уларнинг маълум бир қатламда юқори миқдорларда тўпланишини суғориш таъсиридаги ювилиш натижаси деб изоҳлаш мумкин.

Учинчи калит майдонида эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шаклланган. Сайхунобод туманининг А.Темур номли массиви қатламли кўл-пролювиал-аллювиал ётқизикларидан ташкил топган, Сирдарёнинг III-қайир усти террасаси билан ёндош Шўрўзак депрессиясида (ботиклигида) жойлашган. Эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар механик таркибига кўра, асосан, оғир қумоқлардан, пастки горизонтлар лой ва енгил қумоқлардан иборат бўлиб, физик лой заррачаларининг (<0,01 мм) миқдори 45,6-80,7 % оралиғида тебраниб туради, йирик чанг (0,05-0,01мм) заррачалари, тупроқ профилида 18,1-48,4 % ни ташкил этгани ҳолда, ил заррачалари 13,2-17,4 % ни, қуйи қатламларда, 20,0-22,5 % ни ташкил этади. 1984 йилда олиб борилган тадқиқотларда мазкур таърифланаётган массив тупроқлари ўтлоқи тупроқлар типига мансуб бўлиб, 2006 йилдаги маълумотлар билан қиёсланганда, физик лой заррачаларининг миқдори деярли бир хил бўлиб, ил заррачалари миқдори тупроқнинг юқори қатламида кўпроқ кузатилган, 2006 йил тадқиқот натижаларига кўра, тупроқнинг қуйи қатламларида ил заррачалари миқдорлари нисбатан кўпроқ қайд этилди. Бунинг асосий сабабини узок йиллар давомида суғориш натижасида ил заррачаларининг тупроқни қуйи қатламлари томон ювилиб тушганлиги билан изоҳлаш мумкин.

«Ер кадастри» ШК маълумотларига кўра (1984 й), тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори 0,90-1,22 %, умумий азот 0,065-0,086%, фосфор 0,150-0,170%, калий 1,56-1,80 % ни ташкил этган бўлса,

қуруқ қолдиқ миқдори 0,078-0,304 % оралиғида тебраниб, пастки қатламларда 0,610-1,274 % гача ошган, 2006 йилда мос равишда гумус 1,05-1,76, умумий азот 0,070-0,122, фосфор 0,165-0,185, калий 0,85-1,04 % ни, ҳаракатчан фосфор миқдори 11,47-42,0 мг/кг ни, шу қатламдаги ҳаракатчан калий миқдори 108-131 мг/кг ни ташкил этгани ҳода, фосфор билан жуда кам, кам ва ўртача, калий миқдорига кўра, кам таъминланган гуруҳларни ташкил этади. Қуруқ қолдиқ бўйича тузларнинг миқдори ҳайдалма қатламда 0,260-0,484 %, ҳайдалма ости ва қуйи қатламларда 0,056-0,256% миқдорларида кузатилди.



1-расм. Ўрганилган ҳудудлар суғориладиган тупроқларидаги гумус ва азот захирасиларининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси


1984 йилда тупроқдаги гумус ва умумий азот захираси 0-30 см ли қатламда 35,7-49,8 т/га ва 2,6-3,7; 0-50 см ли қатламда эса, 51,0-77,4; ва 3,8-6,0 т/га ни ташкил этган. Тупроқнинг 0-30 см ли қатламдаги гумус захираси 2006 йилда гектарига 44,5-71,0; азот 3,0-4,9; 0-50 см ли қатламда эса, гумус 69,3-105,8; азот 5,3-7,9 тоннани ташкил этади. Сингдириш сиғими 100 гр. тупроқда 11,09-13,95 мг/экв ни, сингдирилган катионлар таркибидаги Са-31,82-51,19 %, Mg-45,05-53,54 %, К-2,11-4,72% ва Na-4,46-8,61 % ни, устки ҳайдалма қатламда 11-13% ни ташкил этиб, устки қатламлар кучсиз шўртобланишган тупроқлар гуруҳига мансуб. CO₂ карбонатлар миқдори тупроқ профилида 7-9 % оралиғида тебраниб, пастки қатламларда унинг миқдори 10-12 % гача етади.

Тўртинчи калит майдони эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлардан иборат. Сирдарё туманининг "Малик" массивида, аллювиал-пролювиал ва лёссимон ётқизикларидан ташкил топган, Сирдарёнинг III-қайир усти террасаси жойлашган. Эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари асосан ўрта, қуйи қатламлари енгил қумоқли механик таркибдан иборат бўлиб, тупроқ қатламларидаги физик лой (<0,01мм) заррачаларининг

миқдори 24,9-40,5 % оралиғида тебраниб, йирик чанг (0,05-0,01мм) заррачалари устунлик қилади, уларнинг миқдори 44,3-66,1 % ни, ил заррачалари эса 7,4-16,6 % ни ташкил этади.

1957-1958 йилларда (Н.И.Зими́на) тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори 1,10, умумий азот 0,075, куруқ қолдиқ бўйича тузлар миқдори 0,390% ни ташкил этган. «Ер кадастри» ШК маълумотларида (1984 й) гумус миқдори 0,72-1,36, умумий азот 0,043-0,085, куруқ қолдиқ миқдори, 0,072-0,184 % кўрсаткичларида кузатилган бўлса, 2006 йилдаги тадқиқотларда гумус миқдори 1,02-1,55, умумий азот 0,065-0,093, куруқ қолдиқ миқдори 0,446-0,528 % ни ташкил этиб, ҳаракатчан фосфор миқдори 14,65-16,22, алмашинувчи калий миқдори эса 148-230 мг/кг ни ташкил этгани ҳолда, ҳаракатчан фосфор билан жуда кам ва кам, ҳаракатчан калий билан эса кам ва ўртача таъминланган тупроқлар гуруҳларини ташкил этади.

1984 йилда тупроқларнинг устки 0-30 см ли қатламидаги гумус заҳираси гектарига 29,59-54,59, умумий азот заҳираси 1,77-3,41 тоннани, 0-50 см ли қатламда эса, гумус заҳираси 47,67-84,38, азот заҳираси эса 3,01-5,44 тоннани ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб, бу кўрсаткичлар тупроқларнинг 0-30 см ли қатламида мос равишда 41,92-62,31 ва 2,67-3,74 тоннани, 0-50 см ли қатламда эса, 59,86-91,88 ва 3,84-5,61 тоннани ташкил этди. Маълумотлар таҳлиliga кўра, олиб борилган агротехник ва агромелиоратив тадбирлар натижасида, барча ўрганилган калит майдонлари тупроқларида гумус ва озика элементлари заҳираларининг ортиб бораётганлиги кузатилди.




2-расм. Ўрганилган массивлар эскидан ўзлаштирилган ҳудудлари тупроқларининг шўрланиш даражасининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси.

Мирзачўлнинг эскидан суғориладиган тупроқларининг шўрланиш даражаси бўйича йиллар давомида ўзгариши 2-расм маълумотларида келтирилган бўлиб, тупроқларнинг шўрланиш даражаси динамикаси 1968 ва 1984 йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижаларига нисбатан 2007 йилдаги тадқиқотларимизда тупроқларнинг мелиоратив ҳолати яхши томонга ўзгараётганини кўришимиз мумкин. 2014 йилга келиб шўрланмаган майдонлари миқдори камайган бўлиб, кучсиз ва кучли шўрланган майдонлар ортган, ўртача ва жуда кучли шўрланган майдонлар эса камайган. Масалан, шўрланмаган майдонлар 1968 йилда шўрланмаган майдонлар 4644,1 га ёки

30,1 % ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич, 2343,0 гектарни (15,18%) ташкил этиб, ўрганилган майдонларда икки баробарга камайганлигини эътироф этиш лозим. Кучли шўрланган майдонлар ҳам 1109,4 (7,19%) гектардан 373,0 (2,42%) камайган.

Ўрганилган ҳудудларда кучсиз шўрланган майдонларнинг миқдори ортган бўлсада, ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланган майдонлар олдинги йилларга нисбатан камайганлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди.



3-расм. Ўрганилган ҳудудлар эскидан ўзлаштирилган ҳудудлари тупроқ типлари майдонларининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси

Бу даврда ер ости грунт сувларининг тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларидаги иштирокига боғлиқ бўлиб, оч тусли бўз, қўриқ бўз-ўтлоқи, ботқоқ ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар бўз-ўтлоқи ҳамда ўтлоқи тупроқларга типига ўтган. 1968 йилда ушбу ҳудудларда оч тусли бўз тупроқлар ўрганилган ҳудудлар жами суғориладиган ер майдонларининг 1,1; бўз-ўтлоқи тупроқлар-87,1; ўтлоқи тупроқлар-8,2; ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар-0,6; ботқоқ тупроқлар-0,7; қўриқ бўз-ўтлоқи тупроқлар 1,3% ни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб оч тусли бўз, ботқоқ-ўтлоқи, ботқоқ ва ўзлаштирилмаган-қўриқ тупроқлар ўрганилган ҳудудларда барҳам топганлиги, ҳозирда бу ҳудудларнинг 75,1 % суғориладиган ер майдонлари бўз-ўтлоқи ва 15,9 % ўтлоқи тупроқлардан иборатлиги аниқланди (3-расм).

Диссертациянинг «**Мирзачўлни эскидан суғориладиган тупроқларининг сифати ва унумдорлик даражаси**» деб номланган тўртинчи бобида Мирзачўлни эскидан ўзлаштирилган ҳудудлари Боёвут, Гулистон, Сайхунобод ва Сирдарё туманларида тарқалган тупроқларнинг унумдорлик даражаси баҳоланган ва тупроқ сифатини баҳолаш хариталари тузилган.

Боёвут тумани суғориладиган тупроқларининг сифатини баҳолаш.

Боёвут туманида суғориладиган тупроқларининг умумий майдони ҳозирда 32369,8 гектарни, шундан оч тусли бўз тупроқлар 26,5 (0,08%), бўз-ўтлоқи тупроқлар 16801,7 (51,91%), ўтлоқи тупроқлар 6710,6 (20,73%), ўтлоқи-бўз тупроқлар 6354,1 (19,63 %), ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар 2398,6 (7,41%), ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар эса 78,3 гектарни (0,25%) ташкил этади.

Тупроқ мелиоратив ҳолати ва унинг унумдорлик даражаси тупроқларнинг механик таркибига бевосита боғлиқ бўлиб, туман ҳудудидаги эскидан ўзлаштирилган тупроқларнинг 65,4 фоизи ўрта кумоқли, 16,5 фоизи энгил кумоқли, 10,8 фоизи оғир кумоқли, 5,7 фоизи кумлоқли ва 1,6 фоизи лойли механик таркибдан иборат.

Тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига ва унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлувчи шўрланиш жараёнлари, ўрганилган туман тупроқларида ҳам кузатилгани ҳолда, турли даражада шўрланган майдонлар туман суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 76,58 % ини, шундан кучсиз шўрланган ерлар 47,15, ўртача шўрланган ерлар 28,45, кучли шўрланган ерлар 0,97 % га тенг, шўрланмаган тупроқларнинг майдони эса 23,42 % ни ташкил этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, туман ҳудудида эскидан суғориладиган оч тусли бўз, ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар тарқалган бўлиб, ушбу майдонларда олиб борилган комплекс тупроқ тадқиқотлари натижалари асосида тупроқлар унумдорлиги баҳоланди:

Оч тусли бўз тупроқлар сифати бўйича битта-яхши ерлар кадастр гуруҳига бирлаштирилди. Туманда бундай бонитет балли тупроқларининг умумий майдони 26,5 (0,08 %) гектарни ташкил этиб, ўртача 69 балл билан баҳоланди.

Ўтлоқи-бўз тупроқлар сифати бўйича учта-ўртачадан паст, ўртача ва яхши ерлар кадастр гуруҳларига бирлаштирилди. Туманда тарқалган 6354,1 гектар ўтлоқи-бўз тупроқлар ўртача 49 балл билан баҳоланди.

Бўз-ўтлоқи тупроқлар сифати бўйича иккита-ўртача ва яхши ерлар кадастр гуруҳларига бирлаштирилди. Тумандаги эскидан ўзлаштирилган 16801,7 гектар бўз-ўтлоқи тупроқлар ўртача 54 балл билан баҳоланди.

Ўтлоқи тупроқлар сифати бўйича учта-ўртачадан паст, ўртача ва яхши ерлар кадастр гуруҳларига бирлаштирилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, туман ҳудудидаги майдони 6710,6 гектарга тенг бўлган ўтлоқи тупроқлар ўртача 55 балл билан баҳоланди.

Майдони 2398,6 гектар бўлган ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар сифати бўйича битта-ўртача ерлар кадастр гуруҳга бирлаштирилди. Ўртача балл бонитети 56 балл билан баҳоланди.

Ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар сифати бўйича битта-ўртачадан паст ерлар кадастр гуруҳига бирлаштирилди. Майдони 78,3 гектарни ташкил этган бу тупроқлар ўртача 40 балл билан баҳоланди.

Боёвут тумани суғориладиган ерларининг ўртача балл бонитети ҳозирда (2007й) 54,5 баллни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 3,5 баллга ортган (4-расм).

Гулистон тумани суғориладиган тупроқларининг сифатини баҳолаш.

Гулистон туманида суғориладиган тупроқларининг умумий майдони 21569,7 гектарни ташкил қилади. Шундан бўз-ўтлоқи тупроқлар 13658,1 гектарни ёки туман суғориладиган ерларининг 63,3 фоизини, ўтлоқи тупроқлар 6076,8 (28,2 %), ўтлоқи-аллювиал тупроқлар 1734,5 (8,0 %), ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар 100,3 гектарни (0,5 %) ташкил этади.

Туман суғориладиган тупроқларининг 59,6 фоизи ўрта кумоқли, 22,4 фоизи энгил кумоқли, 14,8 фоизи оғир кумоқли, 1,5 фоизи лойли ва 1,7 фоизи кумлоқли механик таркибдан иборат.

